

**“Ёш китобхонлар” республика кўрик-танловини ўтказиш  
тартиби тўғрисида  
Н И З О М**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги тизимидаги умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчилари ўртасида “Ёш китобхонлар” республика кўрик-танловини (кейинги ўринларда кўрик-танлов деб юритилади) ташкил этиш ва ўтказиш тартибини белгилайди.

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Кўрик-танлов жорий йилнинг апрель-июль ойларида умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчилари ўртасида ўтказилади.

2. Кўрик-танлов Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳамкорлигида ўтказилади.

**2-боб. Кўрик-танловнинг мақсад ва вазифалари**

3. Кўрик-танловнинг мақсади:

китобхонликни тарғиб қилиш орқали ўқувчиларнинг маънавий дунёсини бойитиш, уларда мустақил ва танқидий фикрлаш кўникма ва малакаларини шакллантириш, маънавий таҳдидларга нисбатан соғлом иммунитетни ривожлантириш;

ўқувчиларга миллий ва жаҳон адабиётини тизимли тарғиб қилиш орқали уларнинг қалбида ватанпарварлик, эзгулик, инсонпарварлик сингари юксак инсоний фазилатларга нисбатан меҳр ва муҳаббат уйғотиш ҳамда ахборот олиш маданиятини шакллантириш.

4. Кўрик-танловнинг вазифаси ўқувчилар ўртасида бадиий адабиёт мутолаасига бўлган қизиқишларини ошириш орқали кекса авлодга хурмат туйғуларини шакллантиришдан иборат.

**3-боб. Кўрик-танловни ўтказиш тартиби**

5. Кўрик-танлов уч босқичда қуйидаги тартибда ўтказилади:

а) **биринчи саралаш босқичи** - барча туман (шаҳар) ахборот-ресурс марказлари (кейинги ўринларда АРМ деб юритилади) томонидан АРМга аъзо бўлган 7-10-синф ўқувчилар орасидан 5 майга қадар 4 нафар ўқувчидан иборат жамоа шакллантирилади;

б) **иккинчи худудий босқич** - туман (шаҳар)лар АРМларда тузилган жамоалар ўртасида Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар ва вилоятлар миқёсида 20 июнга қадар ўтказилади.

Худудий босқичларни ташкил этиш ва ўтказиш вилоят ахборот-ресурс марказлари (*Тошкент шаҳар ва Тошкент вилоятида кўрик-танловни ўтказиш вилоят халқ таълими бошқармаларининг тегишли мутахассислари*)га юклатилади.

**в) учинчи республика босқичи** - кўрик-танловнинг республика босқичи июль ойининг охирига 10 кунлигида бўлиб ўтади.

6. Кўрик-танловнинг 1-босқичи бўйича туман (шаҳар) АРМлари томонидан тайёрланган жамоаларнинг хужжатлари жорий йилнинг 10 июнга қадар 2-босқичда иштирок этиш учун Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар ва вилоятлар халқ таълими бошқармалари томонидан тузилган Ташкилий кўмиталарга тақдим этилади.

7. Кўрик-танловнинг 2-босқичи ғолиблари ҳақидаги маълумотлар 10 июлга қадар Республика ташкилий кўмитасига тақдим этилади.

#### **4-боб. Кўрик-танлов шартлари ва баҳолаш мезонлари**

8. Кўрик-танлов иштирокчилари ҳакамлар ҳайъати томонидан қуйидаги шартлар асосида 100 баллик тизимда баҳоланади:

**а) жамоа аъзолари 2 та шарт бўйича беллашадилар:**

1-шарт: Энг кўп китоб ўқиган жамоа викторинаси бўлиб, унда ўзбек ва жаҳон адабиётидан саволлар бериш орқали ўқувчиларнинг китобхонлик даражаси аниқланади.

Ушбу шартда туман (шаҳар) босқичида 20 дона (*15 дона ўзбек адабиётидан, 5 дона жаҳон адабиётидан*), худудий босқичда 30 дона (*20 дона ўзбек адабиётидан, 10 дона жаҳон адабиётидан*), Республика босқичида 40 дона (*30 дона ўзбек адабиётидан, 10 дона жаҳон адабиётидан*) бадий китоблар ҳақида тузилган саволлар орқали ғолиблар аниқланади. Мазкур шартга ҳар бир жамоа учун 2 дақиқадан вақт ажратилади.

2-шарт: Бадий қаҳрамонлар шарти бўлиб, мазкур шартда жамоа иштирокчилари ўзлари хоҳлаган миллий ва жаҳон адабиётидан қисқа театрлаштирилган сахна кўринишини амалга оширади. Ушбу шартда сахна кўриниши 10 дақиқадан ошмаслиги шарт (*Сахна кийимлари китобда акс этган бадий қаҳрамонга ўхшатирилганлиги учун алоҳида қўшимча балл қўйилади*).

**б) жамоалар қуйидаги тартибда баҳоланади:**

Энг кўп китоб ўқиган жамоа викторинаси шарти 50 баллгача;  
Бадий қаҳрамонлар шарти 50 баллгача.

#### **5-боб. Ғолибларни тақдирлаш**

9. Кўрик-танлов ғолиблари, номинация совриндорлари ва иштирокчилар Халқ таълими вазирлиги ҳамда ҳамкор ташкилотлар томонидан I, II, III даражали диплом ва қуйидаги номинация билан тақдирланади:

а) “Энг зукко китобхон жамоа” номинацияси;

б) “Энг яхши театр сахна кўринишини очиб берган жамоа” номинацияси.

## 6-боб. Якуний қондалар

10. Давлат ва нодавлат ташкилотлари кўрик-танловни ўтказиш ва ғолибларни рағбатлантиришда ҳомий сифатида иштирок этишлари мумкин.

11. Кўрик-танлов натижаси бўйича берилган шикоятларни кўриб чиқиш учун уч кишидан иборат Апелляция комиссияси ташкил этилади. Апелляция комиссияси таркиби ташкилий қўмита томонидан тасдиқланади.

12. Кўрик-танлов натижаларидан норози бўлган иштирокчилар кўрик-танлов якунидан сўнг 15 дақиқа ичида Апелляция комиссиясига мурожаат қилиши шарт.

13. Шикоятлар тақдим этилгандан сўнг Апелляция комиссияси томонидан 1 соат ичида кўриб чиқилиб, асосланган тарзда ўрганиш натижаси шикоятчига эълон қилинади.